

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 209 (6.400) 1987 йил 14 сентябрь, душанба

Баҳоси 3 тийин



Масъулият

Ҳисси

Давлат қабулига ўтган корхоналар орасида СССР 50 йиллиги номи «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси 31-механика-йигув цехининг С. Егоров етакчилигидаги бригада ҳам бор.

Бу бригадада асосан малакали ишчилар меҳнат қилишади. Уларнинг ҳар бири икки-уч касбини ўзлаштириб олган. Бу эса бригаданинг пировад натижа бўйича ишлашга, ҳар бир минутдан самарали фойдаланишда муҳим омилдир. Натижада коллективда зарур бўлган 32 киши ўрнига 24 киши меҳнат қилаётган ва зиммадаги топшириқларни саккиз билан адо этмоқда.

Хусусан саккиз ойлик товар ишлаб чиқариш плани 101,5 процент, меҳнат унумдорлигини ошириш плани 113 процент бажарилди.

— Давлат қабули жорий этилиши коллективимизда катта қизиқиш уйғотди, — дейди С. Егоров. — Биз технология бузилишларига узоқ муддат йўл қўйиб келдик. Энди эса бунга чек қўядиган вақт етди.

Имкониётлардан фойдаланиб

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига мусобақа «Учқун» тўқимачилик галантерей ишлаб чиқариш бирлашмаси коллектив эришган ютуқларда омил бўлмоқда.

Ишчилар хом ашё ва техникадан самарали фойдаланишнинг янги усулларини ишга солишяпти. Меҳнат коллективлари ўртасидаги беллашувда Чукурсойдаги биринчи тўқув филиали пешқадамлик қилмоқда. Бу ахил коллектив «Индикси билан пардоз ленталари, уй беклари учун фарук, зарҳал симли рўмонлар ишлаб чиқаради.

Цехга ўрнатилган замонавий ускуналар «эвасига» иш унумдорлиги 20 процентга ошди. 250 минг сўмлик ортиқча маҳсулот ишлаб чиқарилиб тўққиз ойлик топшириқ шараф билан удаланди. Ҳозир коллектив октябрь ойи ҳисобига маҳсулот топширмоқда.

Цехда меҳнат беллашуви кенг авж олган. 1988 йил иккинчи квартал ҳисобига маҳсулот топширишини бошлаган С. Мусоева, М. Санькина, С. Абдусаматбековлар социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда.

Интенсивлаш самараси

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси 3-тикувчилик-бичувчилик ишлаб чиқариш коллектив ярим йиллик планга қўшимча 760 минг сўмлик буюм тайёрлади.

Булар трикотаждан тайёрланган, хариддорларга манзур бўлган трикотаж кийимлар, болалар майкалари, футболкалар ва бошқалардир. Ишлаб чиқариш участкаси потокдан кунга 24 минг буюм туширишга эришиб, лойиҳа қувватига чиқди. Реконструкциянинг биринчи навбатида кўзда тутилган лойиҳа қувватига эришилди.

Комсомоллар шижоати

Эрта тондан ҳаммадан илгари беравқат ишга етиб келган ахил дугоналар ўзларининг тикув дастгоҳларини кўздан кечириб, артиб-суртиб ишга шай қилиб қўйдилар. Бу қизларнинг ҳар кунги одати шундай. Улар чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг Сижоат Абдуқодирова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасида ишлашади. Бу коллектив корхонада етакчи ва илгор бригадалардан бири ҳисобланади. Сижоат бошлиқ қизларнинг 6-потоқда 14 та комсомол-ёшлар меҳнат қилмоқда. Бу потоқда тўрт хил эркаклар сумкаси ва 2 хил спорт сумкалари ишлаб чиқариляпти.

Сижоат Абдуқодирова-нинг корхонага ишга келганига кўп вақт бўлмаган бўлсада, бу тиришқоқ, меҳнатсевар қиз ўз касбини тинмай кун билан ўрганиши, камтарона фазилатлари билан тез орада коллектив хурмат-этиборига сазовор бўлди. Унга ҳамкасблари катта ишонч билдириб, 1987 йилнинг февраль ойида КПСС сафига кандидатликка қабул қилдилар. У бу юксак ишончини самарали ва унумли меҳнати билан оқлаб келмоқда. Бугунги кунда Сижоат ўз касбининг сирларини бир қанча шогирдларига ўргатиб, самарали ва қувончли ютуқларни қўлга киритмоқда.

Шуниси қувонарлики, бирлашмада бригадаларо социалистик мусобақа кенг тус олган. Бунинг натижасида бригадаларда меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ошди. Сижоат Абдуқодирова бошлиқ қизлар бригадасида икки марта биринчилиқни қўлга киритишга муваффақ бўлиб, кўма вишпел ва 100 сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Ютуқлардан руҳланган комсомол-ёшлар янада гайрат ва шижоат билан меҳнат қилиб, бошқаларга намуна бўлишмоқда.

Бригадада меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш ишчилар-

нинг ягона мақсадига айланиб қолган. Ҳозир ҳар бир комсомол-ёшнинг бир кунда тайёрлаётган маҳсулоти 250—300 донадан кам бўлмаяпти. Насиба Азимова, Фарида Мухамедова, Дилором Ғисоева, Муяссар Мавлонова, Маҳмуда Бакаева сингари илгор ишчилар ойлик план топшириқларини 110—120 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Айни кунларда бригада комсомол-ёшлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 70 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун янада самарали ишлашмоқда.

Г. ИКРОМОВА.

Амалий тадбирлар Намунали маршрут

Маиший хизмат кўрсатиши янада кенг йўлга қўйиш мақсадида «Ташхим-сельмаш» заводида бир қатор амалий тадбирлар кўрилмоқда. Корхонанинг иккинчи территориясида ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ерда яқин кунлар ичида маиший хизмат кўрсатидиган алоҳида корпус фойдаланишга топширилади. Гардероб ва душхона очилади.

Йил охиригача бориб, кўп

ўринли ошхонани ишга тушириш планлаштирилди. У маиший хизмат корпусининг шундай ёнгинасида жойлашади. Шунингдек, сазоват дўкони учун алоҳида бино ажратиш кўзда тутилди.

Корхонанинг медицина пункти ҳам яқин орада кенгайтирилиб, унга қўшимча хоналар ажратилади. «Қизил бурчак» эса шинам қилиб безатилади.

С. ОДИЛОВА.

«Красновосточное» депосида 28-трамвай ҳайдовчилари аҳолига юксак маданиятни хизмат кўрсатиши билан ажралиб туради. Коммунист ва комсомоллардан таркиб тошган бу коллективда барча камчиликлар маршрут йиғилишида муҳокама этилиб, зарур чоралар белгиланади. Ахил коллективнинг «Юнус-обод массиви» «Самарқанд автостанцияси» оралиғида 20 та қўш вагонни бошқарётган уста ҳайдовчилари В. Пушкарёв, А. Қўрабев,

М. Мавлонова, С. Силантьев, А. Зайцев, С. Айтеков, Б. Ҳакимовлар юқори самардорликка эришмоқдалар. Улуғ Октябрь революциясининг шонли 70 йиллик кутлуг айёми арафасига қадар коллектив 160 миллион йўловчи хизмат кўрсатиш мажбуриятини олган. Бригада ҳайдовчилари ана шу юксак маррага интилиб изланмоқдалар.

С. АЛИЕВ.

Мусобақа дошлар

«11—«Висострой» трестининг 17-қурилиш бошқармасида Социалистик Меҳнат Қажармони Хамид Коробоев доғи таратиб, фидокорона меҳнат қилди. Бугунги кунда қурилиш таъжиротида унинг соҳибига шогирдлари Отто Кершманн, Геннадий Кошечев каби моҳир қурувчилар коллекс бригадаларга моҳирона бошлиқлик қилмоқдалар.

Шогирдларининг ўз бригадаларини оқилона бошқариб бораётганликларини кўриб, эстафета ишончи қўларда эканлигидан яйраб кетаман, — дейди Хамид ака Коробоев. — Улар бошчилиқ қилаётган бригадаларга 70 бонус уюшган. Уларнинг ҳар бири ўз касбига астойдил меҳр қўйган қурувчилардир. Ундан ортқи миллат вакиллари ҳамжиҳатлик билан ишлаб, юбилей йилининг ўтган ойлари мобайнида 300 минг сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Бинокорлар шу кунларда Хамид Олижон майдонидаги «Дўстлик» комплексига кирувчи турар жой бошларини барпо этишмоқда. Ҳар бири

75 квартирадан иборат бўлган туртга уй осмонўпар бино ёнида жадал кел растлапти. Шунларнинг иккитасида «Отделстрой» трести пардозловчилари иш олиб бормоқдалар. Қолган икки объектда эса қурилиш-монтаж ишлари тобора жадаллашмоқда.

Қурилиш меҳанизмларидан самарали фойдаланиш учун объектда иш ўч смена асосида таъминланган. Бу эса ноёб кўтарма краннинг бўш туриб қолмаслигини таъминлапти. Унинг қувватидан тўлиқ фойдаланишмоқда. Юбилейолди

социалистик мусобақани авж олдириб ишлаётган мусобақадор шу икки коллективдаги Убайдулла Раҳимов, Сергей Белоусов, Зинаида Ферцик, Мария Александрова, Жамил Каюмов каби тажрибали қурувчилар қурилиш ишларини аъло даражада адо этишлари билан 7 ноябрь байрамига муносиб тўёна ҳозирлашга эришмоқдалар.

Ҳозирги кунгача мусобақадорларнинг планга қўшимча равишда амалга оширган қурилиш-монтаж ишлари 30 минг сўмликдан ортқи кетди.

«Халқаро муносабатларда янги сиёсий тафаккур учун» тўплами босилиб чиқди. Тўплам КПСС билан Совет давлатининг ҳозирги босқичдаги таъжироти, қайта қурилишнинг сиёсий жиҳатларини таҳлил этишга ва уларнинг аҳамиятини бағишланган. Китобга КПСС XXVII съездининг, КПСС Марка-

Замондошимиз



Қалбда иштиёқ бўлса

Урта мактабда барча дугоналари ўртасида чизмачиликка алоҳида иштиёқи билан ажралиб турарди. Чиндан ҳам Тошкентдаги А. С. Пушкин номи 10-мактабда чизмачилик бўйича дарслар кўпчилиқда қизиқиш уйғотар эди. Ҳозир «СредазАСУ» кўп қаватли биносини бунёд этишга у етакчилиқ қилаётган группа ўз ҳиссасини қўшапти.

Бундай эътибор ва эъзозга билимининг бойиш орқали эришмоқда. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг қурилиш факультети кечки бўлимига ўқишга кирди.

У ҳеч иккиланмай «Оргтехстрой» трестининг 5-бўлимига ишга кирди. Бу 1969 йилда бўлган эди. Бу ерда лойиҳа асосида объектларни қандай қуриш, ишларни қандай таъкил этиш, техника воситаларидан қай тарзда фойдаланиш сингари масалаларни ўрган-ди. Ҳозир ноёб объектлардаги лойиҳа-ишлаб чиқариш ишларини жорий этиш бўйича муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Масалан, В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройи, «Москва» меҳмонхонаси сингари ноёб объектларни бунёд этишда унинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Максим Горький номидаги рус академик драма театри биноси қурилишга ҳам ўз ҳиссасини қўшган. Ҳозир «СредазАСУ» кўп қаватли биносини бунёд этишга у етакчилиқ қилаётган группа ўз ҳиссасини қўшапти.

Бундай эътибор ва эъзозга билимининг бойиш орқали эришмоқда. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг қурилиш факультети кечки бўлимига ўқишга кирди.

Маҳсуна Очиловнинг ягона мақсади шахримизда қад кўтарётган ноёб бинолар янада кўпайса, ҳаммамнинг кўзини қувнатса. Ана шу ният йўлида у фидокорона меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: М. Очилова.

Т. Каримов фотоси.

Тежамли технология

ТОШКЕНТДАГИ 3-уйсозлик комбинати уй қураётган қурилиш майдонларида бурқитиб тутун чиқарувчи битумлаш ишлари қўрнмай қолди. Комбинатда кўп қаватли рубероиддан ёпиладиган анъанавий томга барҳам берувчи махсус том плиталар тайёрлана бошланди ва улардан фойдалана бошланди.

Янги плита том аввалги

Ишни пухта қилиш учун плита юзига битум лак югуртирилади. Бундай том қурилиш майдонига заводдан батамом тайёр ҳолда келадиган ва унинг харажатлари аввалги томга нисбатан икки баравар камаяди.

Бу йил Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатида ҳам шу технология жорий этилди.

(ЎзТАГ).

Янги сиёсий тафаккур учун

«Халқаро муносабатларда янги сиёсий тафаккур учун» тўплами босилиб чиқди. Тўплам КПСС билан Совет давлатининг ҳозирги босқичдаги таъжироти, қайта қурилишнинг сиёсий жиҳатларини таҳлил этишга ва уларнинг аҳамиятини бағишланган. Китобга КПСС XXVII съездининг, КПСС Марка-

зи Комитети Пленумларининг материаллари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг докладлари ва нутқлари тўлалиқча ёки қисман киритилган. Тўплам материаллари 1985 йил апрелдан 1987 йил июлгача бўлган даврни ўз ичига олган ҳамда тегишли бўлимлар бўйича хронология тартибда жойлаштирилган. Нашр пред-мет-тематик кўрсаткич билан таъминланган.

Сиёсий ўқув системасининг пропагандаистлари ва тингловчиларига аталган бу тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).



Рустам Бурхонидинов бошлиқ монтажчилар бригадаси «Главташкентстрой» 12-трести 50-қурилиш бошқармасининг пешқадам коллективларидан бири. Ҳозир мажбурият билан таъжироти кўп қаватли ётоқхона биносидида монтаж ишларини жадал суръатлар билан олиб бо-

ришмоқда. Улар объектни муддатидан икки ой илгари пардозловчиларга топшириш ниятдадилар. Ахил коллектив Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига йиллик плани муддатидан илгари бажариш учун суръатларга суръат қўшиб меҳнат қилмоқда. Бу соҳада бригаданинг

аъзолари олиб боришди. Коллективда 18 нафар бинакор бўлиб, улар бир неча касбини ўзлаштириб олишган. Бу дақиқаларнинг бекор кетишига чек қўйиб, меҳнат унумдорлигини оширдилар.

Бригада ҳозирги кунда ноябрь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Коллективда Ба-

сов методи асосида техника хавфсизлигига қатъий амал қилган ҳолда иш олиб боришмоқда.

Бригаданинг Г. Литвинов, Т. Усмонов, А. Раҳматов сингари пешқадамлари техника хавфсизлиги синовларида аъло баҳолар билан ўтишди. Улар иш сифатига алоҳида эътибор қаратиб, меҳнат қилмоқдалар.

пайвандчи В. Тихомиров, монтажчи Р. Юнусалиев каби бунёдкорларни ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда.

СУРАТЛАРДА: объект қурилишидан лавҳалар; чапда — бригаданинг энг моҳир монтажчиларидан бири Никодей Михайлович Кровяков.

Пахтакорлар ҳузурида

Тошкентлик композитор Зумрад Тўйчиевнинг фортепиано чоғуси учун тарона ва сонатаси, скрипка торларни орқал тараним учун ария ва вариациялари, хор икроси учун жўрғиз услубидаги асарлари, никот симфоник оркестр икроси учун «Вайрам увертюра»лари санъат шинавадаларига яхши таниш. Унинг Эркин Воҳидов билан ҳамкорлида яратган «Нидо» вокал-симфоник туркуми ёш санъат ихлосмандлари томонидан сам-

мий кутуб олинди. Маъмур турар кўмта кирган «Алла», «Коммунист ода хотираси», «Хайтга ҳасида» каби қисмларда наҳ рамонининг болалиги, оғир уруш йиллари ва машаққатли ҳаёт, совет ишчиларининг маънотли курашлари тараним этилган.

Алишер Навоий номидаги Сариев район маданият уйида меҳнатчилар билан бўлиб ўтган учрашув композитор Зумрад Тўйчиевнинг ижодида бағишланди. Санъат мухлислари тошкентлик композитор-

нинг янги асарлари ва режарлар ҳақидаги суҳбатни тинг-лядилар. Икхоний учрашувда тошкентлик композиторлардан Тельман Ҳасанов, Нодим Норқўжаев, Фарҳод Алимов ва чангун Рустам Нейматовлар қатнашдилар.

Бундай тадбирлар райондаги Калинин номи колхоз пахтакорлари ва «Гулнора» болалар босчаси ҳамда Денов шаҳар ва район меҳнатнашлари ҳузурида ҳам бўлиб ўтди.

Б. РАСУЛОВ.

Японияда кўрсатилди

Ю. Гагарин номидаги тўқимачилар маданият саройида йигирмадан ортқи тўғарак мунтазам ишлаб турибди. Улардан бири болалар тасвирий санъат студиясидир. Я. Фрумгарц раҳбарлик қилаётган бу тўғаракда тўқувчиларнинг кўпгина болалари тасвирий санъат алоҳида ишга қўшилмоқда. Ёш раҳбарларнинг чизган ҳар бир расми оригиналлик, бўёғи ва фантазияси билан томошабинни ўзига ром этмоқда. Яқинда Японияда бўлиб ўтган «Тинчлик болалар нигоҳида» жаҳон расмлар кўргазмасида тўқимачилар вакили ўн уч йил мактаб ўқувчиси Елена Иванова ўз расмлари билан иштирок этиб фаворит биринчи ўринни эгаллади. Шу кунларда у янги расмлар устида қизгин иш бошлади.

салбий таъсир кўрсатиши қўллади. Юрак-томир хасталикларига учраган беморларга профилактика мақсадида даволовчи врач тавсияси билан қон босимини бир маромга соладиган дори-дармонларни қабул қилишлари махсус таъминланди. Бўғин ва асос хасталикларига чалинган беморлар оғриқ қолдирмаган дори-дармонларни қабул қилишлари ва ҳаддан таъқарди эт жунжиқийдан сақланашлари керак.



Пабло НЕРУДА, Чили.

Муҳаббатим...

Муҳаббатим, энди уйга қайтамиз.
Балки чирмовиқлар етгандир тоғга,
Сенинг тўшанинга сен ётмай туриб
Езги чошгоҳ кириб ухлаб ётгандир.
Дунёни кездилад дийди бўсалар:
Ҳаёстон — сершира асал тоғичи,
Цейлон — менинг яшил кабутаргинам,
Янцен — кун ва тун чегарасидир.

Денгиз шовқинини енгимиз энди,
қайтамиз бир жуфт кўр қушчалар каби
олис уясига баҳоримизнинг.
Охир севгининг ҳам парвози тугар:
тошлоқ қирғоқларга қайтди умримиз,
бизнинг бўсалар ҳам уйга қайтдилар.

Русчадан ФАХРИЕР таржимаси.

Антонио НОБРЕ, Португалия.

Хайрлашув

Мен сузиб кетяпман. Хайр, омон бўли!
Кетяпман такорор қайтмоқлик учун.
Саратон офтоби юрмаган ҳар йил
Хазонлар кўрпасини ёнингдан бир кун.
Гурбатда кўнлар ҳам ойдек чўзилар.
Ой эса — одимил элдай оғир йил.
Умр сувадй оқиди, кўйдй орзулар,
Нотинч денгиз каби чайқалар кўнгил.
Хайр, унутмайман! Тобора чўқур
Чўқатир қалба армон тошлари.
Денгиз, сенинг суварингми бунча шўр
Е менинг гурбатда тўққан ёшларим!
Алвидо! Шамол ҳам зўрайиб борар —
Довул қаҳқаҳаси юракни ёрар.

Фариштам, қайдасан шу машҳур фурсат!
Келгин, омон қолмоқ йўлини кўрсат.
Сукунат елкадай йиртилиб кетди,
Кўтурган ҳалокат улар ҳар ёнда.
Балки менинг қабрим тўбсиз уммонда.
Алвидо! Он сайин олисман сендан,
Қоранг кўрнмайди кўзга, Ванитам.
Қанат бир таскин бор: денгиз ортинда
Авлод-аждоқларим яшайди манай!
Мен сузиб кетяпман. Хайр, омон бўли!
Кетяпман такорор қайтмоқлик учун.
Саратон офтоби кезмаган ҳар йил
Хазонлар кўрпасини ёнингдан бир кун...
Русчадан Абдулжалил ХУЖАМОВ таржимаси.

Янги фильм

Сўнгги ойлار мобайнида
Зимбабве прогрессив гарб
кинематографчилари учун
ўзига хос марказ бўлиб
хизмат қилди. Уларнинг
икодиди Жанубий Африка
халқларини ирқий камситишга
қарши, граждандарнинг
ўз мамлакатларида
эркин яшаш ҳуқуқига эга
бўлиш учун олиб бораётган
курашлари темасига
ёндашиш сезилган.


«Уорнинг Тайтл Лимитед»
Британия кинофирмаси
Нельсон Мандель ва
Стив Бико ҳақидаги фильмларни
суратга олганидан сўнг
«Вайрон бўлган дунё»
фильминини яратиб қиришди.
Ушбу фильм ирқий айирмачиликка
қарши курашда ўз жонини фидо
қилган олима ва журналист
аёл Рут Ферстинг ҳаёт
йўлини кинотомошабинларга
кўрсатиб беради. 1977
йилда Р. Ферст ўзининг
турмуш ўртоғи, Жанубий
Африка коммунистик партиясининг
бош секретари
Жо Слово билан бирга
ирқчилар томонидан ўлдирилган эди.

Сценарий икки қахрамоннинг
қизи Шон Слово
қўлида тайёрланган биографик
материалга асосланган.
Фильминини суратга олиш
16 июлда, Зимбабведа
катталиги жиҳатидан иккинчи
ўринда турувчи Булавайо
шаҳри атрофларида бошланди.

Картина директори «Ўлим
майдонлари» ва «Юксак бурч»
фильмларида иштирок
этиб, икки қарра «Оскар»
сониқдорлари бўлган
Крис Менжисдир.

Бизнинг картинамиз
Жанубий Африканинг озодлиги
йўлида жонини фидо этган
икки аjoyиб инсон ҳаётини
«фотографик» эпизодлар
орқали хотирлашдан иборат
эмас, — дейди фильм
продюсери С. Редклифф.
— Шунингдек фильм
қахрамонларининг исмлари
ҳам ўзгача. Кинолентада
нафақат бадий умумлаштириш
бор, балки асарнинг гарб
томошабинлари онгиди
шўр ўрнатиш қолган
шаблон ҳам инобатда олинган.
Бу нарсдан воз кечиш
осон бўлмади.

«Вайрон бўлган дунё»
томошабинлари 24 йил
аввали ўтмишга юзлашти-
ради.



Франциянинг пойтахти Париждаги опера театрининг биноси қадимийлиги ва архитектурасининг ноёблиги билан ўзига хос бир ёдгорликдир. Жаҳоннинг турли мамлакатлардан келадиган туристлар бу бинони ва театрда кўйиладиган спектакллари севиб томоша қилишади.

АДН—ТАСС фотоси.

Бедорлик

Виктор СОСНОРА, Ленинград.

Тун тўшлар ойна кўрғаза,
тун кундай ясси денгизни.
Мачталарнинг тепасига тун
тикар курли само гўмбазини.
Нечун-ўхшамасан, чигиртка!
Жажми темир қафтларинг билан
жомдек чала бошлайсан бунча
лангарларини, гулини, гўштини!
Улар бу пайт пашша, нимами,
сеҳрларлар, оркестрлар ҳам,
жаллодлар ҳам, чипполино ҳам,
улар врач, курту қумурсқа.
Ёғиз сен уйқосан, чигиртка,
жажми темир қафтларинг билан
гўнчаларини, бошоқларини ва

лангарларини жомдек чаласан.
Е ҳавони тебратасанми!
Маёқларга масъуласан ё!
Соқчимасан ширин тўшларга!
Соғзайсанми ёки денгизни!
Уйқу билма, билма, чигиртка!
Жажми темир қафтларинг билан
гўлусалар, дону дунларини,
лангарларини жомдек чаласан!
Янграйвергин, янгра, чигиртка!
Зарурдир бу, ахир, жуда ҳам —
тун ичда лоақа ёғиз
чигиртанинг янграб турмоғи!

Русчадан Мирпўлат МИРЗО таржимаси.

Станислав ГРОХОВЯК, Польша.

Ёнаётган жираф

Бу ерда бир гап бор
Пулемёт тўшугига ўхшаган
тўшук
Нега чаккадан то умурткагача
Ениб бормоқдасиз бир маром
Қайси тишингиз у бош
чаногиди
Кўнғироқ тилидай жаранглар
Бу ерда бир гап бор
Бизни кутаётган бу нарс
Ваҳимадир шу билан бирга
Мувофиқ ҳам келар
мақсадимизга
Қўл каби
Юракдай
Кўрқок оёқдай
Инсон тангайининг гўр
каби қоронғи ва чуқурлиги.
Бу ерда бир гап бор

Бу шеърларимни ҳам
Ўзим учун ва яна
Бодга дучор бўлган. иккита
эшшак
Ва тиши ёғирётган бир кимса
учун
Езяпман
Улар тушунар деб
уйлайман.
Бу ерда бир гап бор
Чунки ҳаётнинг мазмунини:
Гўшт харид қилмоқдир
Гўштин чопмоқ
Гўштни ўлдирмоқлик
Гўштни севоқлик
Гўштни лаянлатмоқ
Гўштни тўмоқлик
Гўштни ўргатмоқлик
Гўштин кўймоқлик

Ва гўштдан ясамоқ
Гўшт-ла
фирқлаб
Ва гўштининг номидан ва
гўштга қарши
Эрта учун гўшт
Ҳалокатга ҳам
Айниқса ҳимоя қилмоқ
учун
Гўшт
У эса ёнмоқда
Бўзилиб борар
Туз ҳам қор қилмайди
бу
жараёнга
Чиндайди
Сидирлиб тўшмоқда
Бир оғриқ билан
Бу ерда бир гап бор.
Русчадан Мақсуд БЕКЖОН таржимаси.

САЙЛГА МАРҲАМАТ

Нима? Қачон? Қачон? Қачон?

Серқуёш дийримида олтин куз фасли тўқин-сочин бўлади.
Бундай паллада байрамлар, тантаналар, сайллар авжига чиқади.
Улғу Октябрь революциясининг 70 йиллиги ва «Хужум» ҳаракатининг 60 йиллиги ана шу фаслда нишонланаётганлиги ҳам тўй устига тўйдир. Шундай қилиб пойтахтимизнинг энг муқаддас қадам-жоларидан бири — В. И. Ленин номидаги майдон 19 ва 20 сентябрь кунлари умумхалқ тантанасининг натта сахнасига айланади. Бу ерда ўтказиладиган театрлаштирилган халқ сайлида Ўзбекистоннинг кўзга кўринган санъат коллективлари ва усталари ўз маҳоратлари билан тантана файига фойз қўшади. Томошабинлар ҳушовоз хонадлар Бобомурод Ҳамдамов, Шерали Жўраев, Ортин Отажонов, Гуломжон Ёқубов, Олмажон Ҳайитова иқросида қўшиқлар тинглайдилар, Қизлархон Дўстмухамедова, Дилафруз Жабборов, Малина Аҳмедова рақсларини томоша қиладилар.

Бундан ташқари ўша кунлари шаҳримизнинг энг гавжум кўчаларидан бири — Карл Маркс кўчаси «Қовун сайли» байрам савдоси билан гавжум бўлиши кутилмоқда.

В. И. Ленин номидаги майдонда бўладиган томошалар соат 20 да бошланади.

«ҚОРАҚУМ ФОЖИАСИ»

Йўлдош Оқунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театри коллективи навбатдаги мавсумини Ўзбек Вадилонининг «Қорақум фожияси» спектакли билан бошлади. 20-йилларда Совет ҳокимиятини мустақамлаш учун олиб борилган курашларда халқнинг аjoyиб фарзандлари ташқи ва ички душманларга қарши матонат билан курашдилар, Октябрь ғалабаларини мустақамлашдилар.

Театр коллективи 19 сентябрь кунини соат 11 да ўз томошабинларига «Валли, улоқча» музикали эртак-спектаклини намойиш этади. Асарнинг муаллифи Неймат Рўзимухамедов. Спектаклда бастакор Анвар Эргашев музика басталаган. Асарда кичкина улоқча ўрмондаги ваҳший ва манкор ҳайвонларнинг қилмишларини фойз этади.

«ТАҚДИР ЭШИГИ»

Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек давлат академик драма театри коллективи драматург Шароф Вошбековнинг шу номли асари премьерасини ўтказди. Томошабинлар бу спектаклни 20 сентябрь кунини кўришлари мумкин. Асардаги бош ролларни театр артистлари Жамшид Зокиров ва Гавҳар Зокировлар ижро этишмоқда. Бир қисмдан иборат бу асарда ҳозирги асрининг ушшак шаҳарларидаги миллионлаб аҳоли орасида яшайётган ёғиз кишиларнинг машаққатлари ҳикоя қилинади. Бу икки образ орқали ҳозирги пайтда турмушимизда учраб турадиган ҳаётини масалалар ҳақида фикр юритилади.

Театр коллективи яна бир катта маросимга тараддул қўймоқда. У ҳам бўлса ўзбек совет адабиётининг забардаст адиби Абдулла Қаҳҳорнинг 80 йиллиги нишонланаётган тантаналардир. Театр коллективи бу тадбирларга қатнашиб, ўз репертуаридан мустақам ўрин олган «Айқонларим» спектаклидан парчалар намойиш қиладди.

ЎЗБЕК ҚИЗИ ОВОЗИ

Ўзбекистон телевидениеси «Хужум» ҳаракатининг 60 йиллигига бағишлаб махсус кўрсатув тайёрлади. 17 сентябрь кунини биринчи программа орқали соат 10 дан 50 минут ўтганда намойиш этиладиган кўрсатув «Октябрь ўзбек аёллари тақдирлари» деб аталади. Бу кўрсатувни олиб борувчи муаллиф, СССР Журналистлар союзи мукофоти лауреати Дилбар Махмудова кўрсатув ҳақида кўйилганларини ҳикоя қиладди.

— Ўрта Осиё хотин-қизларининг қутлуг байрами — «Хужум» ҳаракатининг 60 йиллиги арасидаги намойиш этиладиган бу кўрсатувга жуда катта таътирлик кўридик. Тошкентдаги бадий бўюмлар фабрикаси, тўқимачилик комбинати, Тошкент районидидаги Ленин номи колхозда бўлиб ўтган бир қатор тадбирлар бу кўрсатувнинг асосий қисмини ташкил этади. Унда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Раҳима Аминова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими таржимон ва ёзувчи Кибрий Қаҳҳорова, СССР халқ артисти Халима Носирова, Социалистик Меҳнат Қарамоғилари Шакархон Мирзабобоев, Назира Йўлдошева ва бошқалар қатнашадилар. Улар барокали ва ҳалол меҳнатлари билан алоқдор олдиди да оғру ва ҳўрмат қозонган атоқли аёлларимиздир.

Ўзбекистон телевидениеси бундан ташқари «Хужум» ҳаракатининг 60 йиллигига бағишлаб 14 сентябрь кунини соат 19 дан 45 минут ўтганда «Фабриканинг йўлида», соат 20 дан 50 минут ўтганда СССР халқ артисти Мукаррама Турғубоева хотирасига бағишланган махсус кўрсатувни, 15 сентябрь соат 20 дан 15 минут ўтганда медицина фанлари доктори, профессор М. А. Абдуллажоннинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи «Нурли йўл» телевизион очирини (бу тилда), 16 сентябрь соат 19 дан 45 минут ўтганда «Бедий очилур чоғинг» кинокўрсатувини ва бошқа қатор лавҳаларини намойиш этади.

«АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ДРАМАТУРГИЯСИ»

Ўзбек совет адабиётининг чинакам фидойи жонқуяри Абдулла Қаҳҳор қизини ва сермазун иқидий фаслигидида қатор сахна асарларини ёзиб қолдириб, «Шоҳи сузана», «Оғриқ тишлар», «Айқонларим», «Тобутдан товуш» сингари пьесалари республикамиз театрларида кўп марта қўйилган.

Ўзбекистон телевидениеси 19 сентябрь соат 22 дан 05 минут ўтганда ана шу мавзуга бағишлаб намойиш этиладиган кўрсатувга «Тобутдан товуш» ва «Айқонларим» спектаклидан парчалар намойиш қилинади. Бу кўрсатувда адибнинг рафिकासи — ёзувчи Кибрий Қаҳҳорова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Раҳим Қориев, Ўзбекистон ССР халқ артисти Латиф Файзиев, Сирдарё область театрининг режиссори Жўра Махмудов қатнашадилар.

«ЯШИЛ ДОРИХОНА»

Республика «Вилли» жамиятининг «Виллилар уйи» шу ҳафтада тингловчилар учун бир қатор қизилари тадбирларини ташкил этади. Бу ерда бўладиган суҳбатлардан бирини «Яшил дорихона» деб аташ мумкин. У 16 сентябрь кунини соат 19 да ўтказилади. Унда шифобахш ўтларнинг аҳамияти ва уларни дори-дармонлар тайёрлаш учун қандай тадбир қилиниши лозимлиги ҳақида фикр юритилади. Шу кунини соат 16 да бўладиган суҳбат «Тибқиётлик — жаҳаннам йўли» деб аталади.

Ҳозир мединлар ўз ишларида замонавий электрон машиналари мурожаат этишмоқда. 18 сентябрь соат 17 да бўладиган суҳбат бу соҳада қўлланилаётган компьютерлар ва бу восталарни оқилона ишлатишга бағишланган.

Бундан ташқари Тошкент олий ўқув юрталарининг студентлари ўртасида шахмат мусобақалари бўлади, улар республика оғир атлетика усталари билан учрашадилар. Бу тадбир 20 сентябрь кунини соат 11 та белгиланган.

А. ПУЛТОВ.

Асадулло ҲАБИБ, АДР.

Чол

Ҳикоя

кичкинагина хонада ўша нарсалардан, бир синик кўза ва бир чўкичдан бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди.

Чол деворга суяб қўйилган чўкичини олиб, ташқарига чиқди, эшикни астагина ёлди. У чопонини ёлдириб, фонуни кўтарганича йўлга тушди.

Қорга биринчи қадамини қўйиши биланқоқ ўзига хос гижирлаш товуши эшитилиб, оғи тўпигида қорга ботди. Кавуши қорга тўлди. Аммо у бунга парво қилмай, ортидан занжирсимон излар қолдириб, йўлида давом этди. У бир оз букчайиб берарди. Оёқ остида қорнинг гижирлаши унга қаттиқ азоб берарди: чўкини у шу тоғда шамол янглиғ ҳат бир шарпасиз, даштлар бағридан ўралиб ўтиб, ҳеч кимга

либ борарди. Юриб-юриб, паст-баланд жойларга келиб қолди. У ҳали ҳам қордан баланд тошларни катта-катта қабр тошлари томон бурлиди. Қор қатламини юзидан занжир ясаб кетаётган изи борган сари чўкини бўлиб, ўша қабристоннинг энг янги қабри тепасига келиб тўхтади. Чол чўкичини ташлаб, фонуни бир чеккага қўйди. Чўқур бир нафас олиб, даштнинг узок-узок жойларига қўздан кечирди. Ҳатто қилт этган тирик жон кўрнмаса-да, кўнгли батамом хотиржам эмас эди. Нафасининг тафти оғзидан чиқиб, майовида да майда ва шайфоро торлар ҳолида ахлаб қоларди. Қоқсуяқ кўллари ўлиқларининг қўлидек қараётган ва беҳол бўлиб қолганди. У чўкичини олди ва чўқур ҳамада узок бир уф торгани-

туйнукдан чироғининг хирра ва қизилтири нури билан биригаликда қабри ичкаригига кириб кетди. Уни енгил қўриқини ўз оғушига олди. Гўш муздек бир қўл қафтини унинг қўсига қўйиб тургандек эди. Уша сирли ва ваҳимали қоронғиликда сув қатрларининг чакиллаши, чолнинг хансирашидан бошқа товуш эшитилмасди. Чол бир зум қафанига ўвоғлик, беҳаракат этган жасадага тикилиб қолди. У қўлини узатди, охириги кучини тўплаб, қафдан чолларини уза бошлади. Чолнинг милклар тақиллаб бир-бирига урилар, совақдан тинмай титради. Оқ сурпининг йиртилиши даҳманинг нам деворларида акс сода бериб, қариянинг вужудига кўпроқ ваҳима солди ва лабларида одатдагидек совақ ва сўнқ табассум

Дари тилидан
Алимулла
ҲАБИБУЛЛАЕВ
таржимаси.

ЖИНОЯТ СОДИР БУЛАДИ

ҚУЛГА ТУШДИ

22 август кундузи Куй-бишев районидида 1 Май кўчасида шахси номаълум турткини 101-мактабнинг 8-синф ўқувчиси О. Хўсанова тақдид қилиб, унинг «Электроника» қўл соатини тортиб олишган. Кўрипган чора-тадбирлар туфайли бу жиноятда дахлдор бўлган шахслар аниқланди ва қўлга олинди. Тергов ишлари бошланди.

7 сентябрь кунини соат

16 да Глинка кўчасидаги Кирос номидаги маданият ва истроҳат боғи территориясида номаълум шахс «Ташт-теплокоммэнерго» слесари Ш. Сафаровни безорилик билан таътилатган. Зудлик билан амалга оширилган тадбирлар туфайли «Г» исмли гражданд қўлга олинди. Унинг жиноятда дахлдор эканлиги аниқланди. Тергов ишлари давом этмоқда.

4 май кунини Ҳамза район ички ишлар бўлими Лисунов кўчасида жойлашган 244-ўрта мактабнинг мажлислар залига номаълум шахслар девразани синдириб кириб, овоз қучайтиргич, 2 та «Варца» маркали кинокамера,

3 та электрофон, 3 та «Россия» маркали радиоприймани унинглар кетганликлари ҳақидаги хабарини олди. Текшириш ва қўрипган чора-тадбирлар натижасида ўйриқли шу мактаб ўқувчилари томонидан содир этилганлиги аниқланди. Улар қўлга олинди. Тергов ишлари давом этмоқда.

8 сентябрь эрта тонгда Навоий кўчасидаги заргарлик мағозинининг олдидида икки номаълум киши милиция ходимларини қўриш биланқоқ ўзини берадана тўта бошлади. Тез орада улар кўздан го-йиб бўлди. Шунга қарамастан улар қўлга олинди. Тинтув ўтказилганда улардан 16

калибрий қўштиг миллит, 50 та патрон, шунингдек қўлда таёйрланган «финик» типдаги пичоқ топилди. Улар чинкентлик эканлиги аниқланди. Тергов ишлари бошланди.

БЕЗОРИЛИК

8 сентябрь кечаси «Марказ-4» кварталда истиқомат қиладиган Б. Авакин безорилик қилиб, ўз турмуш йўлдошини қаттиқ савалаган. Безори қўшнларининг насихатларига қўлоқ солмаган. Тергов ишлари бошланди.

7 сентябрь кечаси Атоий кўчасининг 6-тор кўчасида истиқомат қилувчи Б. Акбархўнаев ўз уйида безорилик қилиб, хотинини қаттиқ

калтаклаган. Тергов ишлари олиб бормоқда.

МАШИНА ОЛИБ ҚОЧИЛГАН

8 сентябрь эрталаб номаълум шахс «5-Қўйқил» мас-сивидаги 12-ўй олдидида турган чинкентлик Р. Маргаресининг «А-71—02 ЧМ» рақамли «ВАЗ—2107» автомобиллини олиб қочиб кетган. Машинанинг саломида хайдовчилик гувоҳномаси ва машинанинг техник паспорти ҳам бўлган.

Кўрипган чора-тадбирлар натижасида машина Тўғна қўчасидан топилди. Унинг тўртта гилдираги олиб қўйилган ва машинадагидек магнитофон ҳам гоёиб бўлган. Тергов ишлари олиб бормоқда.

7 сентябрь кечаси Шота

Руставели ва Волгоград кўчаларининг чорраҳасида 143-автомобилини хайдовчиси М. Каримов томонидан қаровсиз қолдирилган «51—68 ТНЗ» рақамли «ВАЗ—24» автомашинаси олиб қочиб кетилган. Амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли машина Садый кўчасидан орқа қаноти мажбурланган ҳолда топилди. Қидириш ишлари давом этмоқда.

УГРИЛАР ҚИДИРИЛМОҚДА

8 сентябрь кундузи «2-Ташавтомаш» масивидида истиқомат қиладиган пензионер А. П. Ивановнинг квартираси эшигини синдириб кириб, номаълум шахслар аёллар пальтоси, тулки мўйнасидан тай-

ёрланган ёқа, «Смена» фотоаппаратини ўғирлаб кеттишган.


6 сентябрда номаълум шахслар Весна кўчасидаги 57-ўйда истиқомат қиладиган Л. Г. Чекурдининг уйининг ойнасини синдириб кириб, Японияда таёйрланган телевизор, «Весна—210» ва «Маяк—232» магнитофонларини, 5 та гилам, шунингдек, бошқа кийимларни ўғирлаб кеттишган.

6 сентябрда Новороссийск кўчасида жойлашган «Ташкис» бирлашмасининг 2-ётоққосидаги 28-хонада истиқомат қиладиган М. С. Гўбанининг эшиги қўқиниб олиб, номаълум шахс ичкарига кирган ва унинг «Левис» қўл соати, паспорти ва пуллари ўғирлаб кетган.

Чайқовчилиги учун

6 сентябрь кундузи Куй-бишев шоссесидида «Транс-экспресс»нинг 5-автомобилида Г. В. Гўбаниев спиртни ичкиликлар билан чайқовчилик қилган пайтда кўлга туширилди. Шу бекатда кассир — назоратчи бўлиб ишлайётган бу аёлнинг хомаси тинтув қилинганда арақ, вино, шунингдек, 12 шиша қўбало арақ топилди. Тергов ишлари олиб бормоқда.

Узингиз пайқаган тартиббузарликлар, жиноятчиликнинг белгилари ҳақидаги маълумотларини 33-71-47 ёки 56-99-10 телефонида орқали хабар қилишингизни сўраймиз.



«Илмсевар ёшлар — бизнинг келажагимиз».

Е. Ботиров фототюди.

Мўлжалда-спартакиада

Яқинда Харьков шаҳрида 50 километр масофага югуриш бўйича ўтказилган СССР кубоги баҳсларида енгил атлетика бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг вакили Ионат Олих умумий якунда учинчи натижага қўсатди. Унинг ҳалқаро классик спорт мастери нормативини бажаришга аттиги тўрт минут етмай қолди.

— Ионатнинг мактабида шуғуллана бошлаганига тўрт йил бўлди, — дейди унинг устози Ашур Назарович Нормуродов. —

Ихлос, жонқуярлик ва интилиш туфайли аста-секин натижаларни яхшилаб бормоқда. Дастлаб шаҳар ва республика миқёсидаги мусобақаларда иштирок этди. Утган йили эса Житомирда ўтказилган мамлакат Кубоги баҳсларида қатнашиб, иккинчи натижага қўсатди. Бу талантили спортчи муттасил олдинга интилаётганлигини кўрсатувчи далиллардир.

Ҳозирги беллашувларнинг ҳаммасини биз СССР халқларининг Х ёғи Спартакиадаси баҳсларига тайёргарлик машқлари сифатида қарамоқдамиз. Ҳали фурсат

бор. Ионат Олих ана шу беллашувларда юксак натижага қўсатиб, республика миқёсидаги спорт миқёсидаги мусобақаларда иштирок этди. Уларнинг орасида Ионат Олих алоҳида ажралиб туради. У барча машқларда, беллашувларда ибрат кўрсатиб, бошқаларни ҳам олдинга ундамоқда. Маълумки, олис масофаларга ўтказилган беллашувларда энг чидамли ва иродали спортчилар қатнашади. Бу хислатларни тақомиллаштириш

ва маърияга етказиш учун мактабда барча шароит бор. Устозлар шоғирлари билан ҳамкорликда 10,20 ва 50 километр масофага ўтказилган йирик беллашувларда қатнашиб ва яхши натижалар кўрсатиш сир-асрорларини ўрганиши тобора тақомиллаштиришмоқда. Тренер айтганидек, асосий мақсад — СССР халқлари Спартакиадасининг финал беллашувларига пухта ҳозирлик билан боришдир.

Т. ОБИДОВ.

Кучлилар баҳсига йўлланма

Республика шахмат-шаҳна клубида бир ҳафта давом этган спорт мастерлигига кандидатлар баҳси ўтказилди. Ҳалқаро классик спорт мастери нормативини бажаришга аттиги тўрт минут етмай қолди.

Қатнашчилар орасида ТошДУ ўқитувчиси Ирина Қасимова ва шу университетнинг студентлари Инга Сафаралиева, Наталья Зининалар ҳам бор эди. Беллашувлар бу спортчилар учун маҳорат ошириш мактаби вазифини ўтади.

Умумий якунда етти имкониятдан олти ярим очко тўплаган тошкентлик студент Аркадий Блодштейн биринчи йўлланмага қўлга киритди. Беш очко тўплаган ангрелик мактаб ўқувчиси Павел Флорингер ҳам 12-28 сентябрда ўтказилган энг кучли спорт мастерлигига номзодларнинг республика баҳсида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

Спорт

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ 1 УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/IX да К. Курорт, 16/IX да Кутлук қов.

МУКМИЙ НОМИДАГИ УЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/IX да а Тоҳир ва Зухра, 16/IX да Тошшолта ошк.

УЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ 1 ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/IX да Отасини қизим, 16/IX да «Вестсайд-87».

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 16/IX да Чехословачиянинг «Прага» цирки устусларини томошалари (19.30).

Кино

14 СЕНТЯБРДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
Ватан — «КУРЬЕР» (16, 5, 20.00), «ОСМОНДАН ТУШГАН О ОДАМ» (18, 21.30).

Тошкент Советининг 51 50 йиллиги — «ШПЕСАТ КАЛЛАБАСИДАГИ АРВОХ» (16, 20, 1, 21.30), «РОБИН ГУДНИНГ УҚҚИДА» (18.00).

Қозғоғистон — «ХАВФЛИКИ ГАС-ТРОЛЛАР» (16, 20.00), «ШАХ-РИЗОДАНИНГ ЯНГИ Э ЭРТАКЛАРИ» (16, 19.00).

Узбекистон ССР 25 йиллиги — «ЧАККИГА ДАККИ» (16, 18.30, 21.00).

Дружба — «ОСКАР» (1 тоқ соатларда), «ОСМОНДАН Ч ЕРГА» (20.00).

Тинчлик — «ЮЛДУЗ Б БУЛИШ ОСОНМИ?» (16, 18.30, 1, 21.00).

Искра — «ЮЛДУЗ Б БУЛИШ ОСОНМИ?» (17.15, 20.00.3).

Собир Раҳимов номли — «ДАЙДИ» (18, 20.40).

К. Ерматов номли — «ҚИЛИЧ ТИГИДА» (тоқ соатларда).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ҚИЕ-ФАДОШ ЕРДАМГА КЕЛЕЛАДИ» (тоқ соатларда).

15 СЕНТЯБРДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
Ватан — «КУРЬЕР» (1, 12, 16, 20.00), «ОСМОНДАН ТУШГАН ОДАМ» (14, 18, 21.30).

Тошкент Советининг 51 50 йиллиги — «ШПЕСАТ КАЛЛАБАСИДАГИ АРВОХ» (12, 16, 1, 20.30, 21.30), «РОБИН ГУДНИНГ УҚЛАРИ» (10, 14, 18.00).

Қозғоғистон — «ХАВФЛИКИ ГАС-ТРОЛЛАР» (14, 16, 20.00), «ШАХРИЗОДАНИНГ ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ» (11, 12, 15, 16, 19.00).

Узбекистон ССР 25 йиллиги — «ЧАККИГА ДАККИ» (11, 1, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Дружба — «ОСКАР» (1 тоқ соатларда), «ОСМОНДАН Ч ЕРГА» (12, 20.00).

Тинчлик — «ЮЛДУЗ Б БУЛИШ ОСОНМИ?» (11, 13.30, 0, 16, 18.30, 21.00).

Искра — «ТЕМАНГАН ТАР-САКИ» (12.00, 14.00), «ЮЛДУЗ БУЛИШ ОСОНМИ?» (17.15, 20.00).

Собир Раҳимов номли — «ДАЙДИ» (13, 15, 18, 21.00.40).

К. Ерматов номли — «ҚИЛИЧ ТИГИДА» (тоқ соатларда).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ҚИЕ-ФАДОШ ЕРДАМГА КЕЛЕЛАДИ» (тоқ соатларда).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕЗЕРУВЧИ

ТЕЛЕФОНЛАР: Р:

Санъат саройи — 4444-21-44, 44-21-34, 44-21-74.

Ватан — 74-30-38, Чайка — 77-06-20, Москва — 33-05-01.

Тошкент Советининг 5 50 йиллиги — 78-47-25.

Восток — 91-14-61, Лисув номли — 9696-34-02, Искра — 39-14-59, Нукус — 46-46-55.

Дружба — 67-96-87. Шаҳар кинотеатрларида хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш юзасидан «таклиф» ва «таклиф» билан Тошкент шаҳар кичроқ комитети кинотеатрларини бошқармасига 33-37-11 телефон номери буйича мурожаат қилинсин.

Узбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг

А. АБДУРАХМОНОВ НОМИЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКУМИ

КЕЧКИ БУЛИМГА ҚУШИМЧА

УҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

10-синф маълумотиغا эга бўлганлар қўйидаги мутахассисликларни ағаллайди: тикувчилик корхоналарининг машиналари ва ускуналари, чарм-буюмлар технологияси, тикув ишлаб чиқаришнинг технологияси, ип-йигиртув машиналари ва тикувчилик фабрикалари технологияси.

Ўқиш муддати 2 йилда 9 ой.

Кириш имтиҳонлари: она тили ва адабиёт (ишнов), математика (оғзаки).

Адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 26-й. Телефон 33-40-89.

10-автомат заводди коллективни шу завод директори М. М. Мирсодиқовга отаси

Мирсодиқовнинг вазифот етганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

10-автомат заводди коллективни шу завод директори М. М. Мирсодиқовга отаси

Мирсодиқовнинг вазифот етганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

10-автомат заводди коллективни шу завод директори М. М. Мирсодиқовга отаси

Мирсодиқовнинг вазифот етганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

10-автомат заводди коллективни шу завод директори М. М. Мирсодиқовга отаси

Мирсодиқовнинг вазифот етганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

10-автомат заводди коллективни шу завод директори М. М. Мирсодиқовга отаси

Мирсодиқовнинг вазифот етганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

10-автомат заводди коллективни шу завод директори М. М. Мирсодиқовга отаси

Мирсодиқовнинг вазифот етганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ПАХТАКОР»

МАРКАЗИЙ


СТАДИОНИДА

СССР биринчилиги учун 1 Лига командалари ўртасида

ФУТБОЛ

14 сентябрь соат 19.00 да «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «РОСТСЕЛЬМАШ» (Ростов-Дон)

17 сентябрь соат 19.00 да «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ДИНАМО» (Ставрополь).



ТОШКЕНТ САЕХАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

«ДИЛОРОМ» ВА «РОХАТ» ТУРИСТИК ПОЕЗДЛАРИДА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЎХНА ШАҲАРЛАРИНИ ТОМОША ҚИЛИШГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«РОХАТ» ТУРИСТИК ПОЕЗДИНИНГ МАРШРУТИ

«САМАРҚАНД-БУХОРО-ХИВА, 1-6 октябрь, 7-12 октябрь, 13-18 октябрь, 19-24 октябрь, 25-30 октябрь, 31 октябрь — 5 ноябрь, 6-11 ноябрь, 12-17 ноябрь, 19-24 ноябрь, 25-30 ноябрь, 1-6 декабрь, 25-30 декабрь.

Баҳоси — 79 сўм.

«САМАРҚАНД-БУХОРО-ХИВА, 1-6 октябрь, 7-12 октябрь, 13-18 октябрь, 19-24 октябрь, 25-30 октябрь, 31 октябрь — 5 ноябрь, 6-11 ноябрь, 12-17 ноябрь, 19-24 ноябрь, 25-30 ноябрь, 1-6 декабрь, 25-30 декабрь.

Баҳоси — 79 сўм.

«ДИЛОРОМ» ТУРИСТИК ПОЕЗДИНИНГ МАРШРУТИ:

«САМАРҚАНД-БУХОРО-ХИВА, 1-6 октябрь, 7-12 октябрь, 13-18 октябрь, 19-24 октябрь, 25-30 октябрь, 31 октябрь — 5 ноябрь, 6-11 ноябрь, 12-17 ноябрь, 19-24 ноябрь, 25-30 ноябрь, 1-6 декабрь, 25-30 декабрь.

Баҳоси — 44 сўм.

Путёвка баҳосига ҳар икки томонга йўл ҳақи, оқатланиш, жойлашнинг, экскурсия хизмати тўловлари қиради.

Барча масалалар бўйича қўйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700078, Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони, 5-й. Телефон 39-13-19.

ЎЗБЕКИСТОН РАДИОСИ РУС ГРУППАСИГА ДИКТОРЛАР

(эркаклар овози) вақити вазифини

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда 30 ёшгача бўлган, олий маълумоти (театр маълумоти) эга бўлиш мақсада мувофиқроқ. Тошкент шаҳрида прописида турувчи кишилар қатнаша олади.

Конкурсда қатнашиш хоҳишини билдирган кишилар 10 октябрда рўйхатга ёзилади.

Конкурс 15 октябрь соат 10.00 да қўйидаги адресда жойлашган Радио уйи биносида ўтказилади: Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 49-й. Телефонлар 39-96-12, 32.11-96, 39-96-30.

Справналар юзасидан қўйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 47-алоҳа бўлими, Хоразм кўчаси, 49-й. Телефонлар 39-96-12, 32.11-96, 39-96-30.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ

УЛУҒ ОКТЯБР СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ ВА «ХУЖУМ» ҲАРАКАТИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

19 ВА 20 СЕНТЯБРЬ СОАТ 20.00 ДА

В. И. Ленин номидаги майдонда

ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН

ХАЛҚ САЙЛИ

ЎТКАЗИЛАДИ

КОНЦЕРТ САҲНАЛАРИДА 1200 ИЖРОЧИНИ УЎШТИРГАН РЕСПУБЛИКАНИНГ ЕТУК ИЖОДИЙ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ВА СОЛИСТЛАРИ ИШТИРОК ЭТАДЛАР.

Шу жумладан «ШОДЛИК», «ЛАЗГИ», «ХАЙТАР-МА», «УЙҒУР», «ХОРАЗМ» АНСАМБЛИЛАРИ.

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Бобомурод ҲАМДАМОВ, Ўзлархон ДУСТИМУХАМЕДОВА, Дилафруз ЖАВБОРОВА, Малика АҲМЕДОВА;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Шерали Жўраев, Ортиқ ОТАЖОНОВ, Ҳудожон ЕҒУВОВ, Олмадон ХАЙИТОВА, Владимир ЛАПИН;

Ўзбекистон эстрадаининг машҳур коллективлари ва солистлари: «ЯЛЛА», «САДО», «НАВО» вокал-чолгу ансамбли; «Замонавий жаз музыка ансамбли»;

пайтахт театрларининг етук артистлари. Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшитириш давлат комитети ижодий коллективлари, Зебо Ганиева номли фронт бригадалари ансамбли, совет цирки усталари, бадий ҳаваскорлик коллективлари, республика спортчиларининг намунали чикиши бўлади.

КАРЛ МАРКС КЎЧАСИДА АНЪАНАВИЙ КУЗГИ «КОВУН САЙЛИ», СОВҒАЛАР, КИТОВЛАР, САНОАТ МОЛЛАРИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

САЙЛ МУШАККОЗЛИК БИЛАН ЯҚУНЛАНАДИ. Билетлар соат 14.00 дан бошлаб В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройи насаларида сотилмоқда.

«Юбилей» марказий спорт саройида

18 СЕНТЯБРДАН 27 СЕНТЯБРГАЧА

«ҲАММА ЮЛДУЗЛАР»

МУЗ УСТИДА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

ГАС ТРОЛЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

халқаро классдаги спорт мастерлари, СССР чемпионлари, Европа ва жаҳон чемпионатларининг совриндорлари — Юрий ОВЧИННИКОВ, Елена ГАРАНИНА, Игорь ЗАВОЗНИН, Ольга ВОЛОЖИНСКАЯ, Александр СВИНИН, Инна ВОЛЯНСКАЯ, Валерий СПИРИДОНОВ, Вероника ПЕРШИНА, Марат АҚБАРОВ, Ирина ЖУК, Олег ПЕТРОВ.

Программани — СССРда хизмат кўрсатган тренерлар Татьяна ТАРАСОВА ва Елена ЧАЙКОВСКАЯлар саҳналаштиришган.

Бадий раҳбар — СССРда хизмат кўрсатган тренер Татьяна ТАРАСОВА.

ТОМОШАЛАР: 18, 21, 22, 23, 24, 25 сентябрда — соат 20.00 да; 19, 20, 26, 27 сентябрда — соат 17 ва 20.00 да бошланади.

ПРОГРАММАДА:

21 ва 25 сентябрда

1 БУЛИМ

Т. Тарасова, Е. Чайковская, А. Чайковский «ХАЛОС ЭТИЛГАН ДУНЕ ДОИМ ЭСЛАЙДИ»

II БУЛИМ

Т. Тарасова, Е. Чайковская, А. Чайковский «РУСЬ ЯРМАКАСИ»

18, 20, 23, 26 сентябрда

1 БУЛИМ

«БОЛЕРО» ДИВЕРТИСМЕНТИ

М. РАВЕЛЬ музыкаси.

II БУЛИМ

Т. Тарасова, Е. Чайковская, А. Чайковский «РУСЬ ЯРМАКАСИ»

19, 22, 24, 27 сентябрда

1 БУЛИМ

«БОЛЕРО» ДИВЕРТИСМЕНТИ

М. РАВЕЛЬ музыкаси.

II БУЛИМ

Т. Тарасова, А. Назарова «ТАНГО, ТАНГО, ТАНГО...»

Билетлар «ЮБИЛЕЙ» марказий спорт саройи кассаларида сотилади.

Кассалар ҳар кун соат 12 дан 20.00 гача очик. Коллектив бўлиб томошаларга тушиш учун залкалар қабул қилинади.

Справналар учун телефонлар: 46-03-12, 46-70-31 — касса, 46-07-53, 46-68-77 — администратор.



«ТАШГАСТРОНОМТОРГ» (телефон 45-37-24).

КЕРАКЛИ ВА МУҲИМ КАСБ

«ТАШХОЗТОРГ»нинг 5-«МАШИНИ ТЕХНИКА» МАКТАБ-МАГАЗИНИНИ БИТИРИБ, СОТУВЧИ КАСБИНИ АҒАЛЛАШ МУМКИН. 6 ой мобайнида бу ерда энг замонавий ва қизиқарли касблардан биринчи — харидорга маданий хизмат кўрсатиш, буюмнинг хусусиятлари ҳақида атрофида тушуна бериш, ангилган қизиқтира олиш, доимо эътиборли, мулозим, оқик қўнғил бўлишга ўргатилади.

МАКТАБ-МАГАЗИНГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСАСИ БУЛГАН УРТА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Уқувчиларга ҳар ойда 63 сўмгача стипендия берилади.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқишни тугатганларга КИЧИК СОТУВЧИ МАЛАКАСИ БЕРИЛАДИ ВА УЛАР «ТАШХОЗТОРГ» МАГАЗИНИДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қўйидаги ҳужжатлар керак: ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат, паспорт, 3 та фотосурат (3х6 см), яшаш жойидан справка, «Ташхозторг» директори номига ариза.

5-«Машина техника» мактаб-магазинининг адреси: Марказ-14, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти 24-й.

Мактаб-магазинга киришни истовчилар ушбу адресга мурожаат қилишлари лозим. Тошкент шаҳри, Қўйишев шоссеси 24-й. Кадрлар бўлими. Соат 9 дан 18.00 гача ишлади.

«ТАШХОЗТОРГ» (телефон 91-59-53).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

РЕДАКЦИЯ

АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совети курилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноят, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шахар ҳўналиши, савдо ва маъий хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши, 32-52-58-85; фан ва ўқув юртилари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварларнинг тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 32-28-95; халқаро ва оммавий ишлар — 32-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66